
Семинарнинг иккинчи куни

Маҳалла хотин-қизлар фаоли лавозимига сараланган номзодларнинг фаолиятга самарали киришиш учун талаб этиладиган билим ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида 1-сонли касб хунар мактабида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинига танлаб олинган номзодларга махсус ўқув семинарининг 2-куни бўлиб ўтди. Унда Олий таълим вакили тренер А. Аҳмедова туман ҳокими ўринбосари М. Бекмирзаева, туман адлия, прокуратура, ички ишлар бўлимлари масъуллари иштирок этишди. Семинарда хотин-қизлар фаолларига яхши ўқиб, олган билим, кўникмаларини маҳаллада синаш, қўллаш, эрта ажримни олдини олиш, маҳалладаги тинч-осуда ҳаётни барқарор сақлаш каби муҳим масалалар юзасидан тавсиялар берди. Шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Йиғилишда берилган саволларга мутахассислар жавоблар беришди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-04-29 16:10:21